

МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИМИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

ЯНГИ БАНДИХОН

Беҳуда сўзловчининг йўлида катта хатарлар бўлади.
Имом Мақдуйси

Халқ депутатлари Бандихон туман Кенгаши ва туман ҳокимлиги газетаси

Ижтимоий – сиёсий, маънавий газета • 2021 – йил 30 – Август, Душанба, № 7 – 8 • Электрон почта Bandixongazeta@umail.uz



108 ЁШДА «ШУХРАТ» МЕДАЛИ

Президентимизнинг жорий йил 25-августдаги “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги Фармониغا асосан бир гуруҳ ёши улуг ватандошларимиз

ҳам “Шухрат” медали билан мукофотланди. Тақдирланганлар сафида Бандихон тумани Бирдамлик маҳалласида яшайдиган 108 ёшдаги Зулфин момо Гаппарова ҳам бор. Сурхондарё вилояти ҳокими Тўра Боболов бугун пирубадавлат онахон хонадонидан бўлиб, Президентимизнинг

байрам табригини ўқиб, эшиттирди. Давлатимизнинг юксак мукофотини тантанали топширди. Зулфин момо билан дилдан сўхбатлашиб, саломатлиги билан қизиқди. **Элбек ПАРДАЕВ, Республика маънавият ва маърифат маркази Бандихон туман бўлини маси раҳбари**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАР, КЕНГ ИМКОНияТЛАР ВА АМАЛИЙ ИШЛАР МАМЛАКАТИГА АЙЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррири билан кечган суҳбатидан қайдлар.

Пойтахтимизга туташ 100 гектардан ортиқ улкан ҳудудда “Янги Ўзбекистон” боғи ҳамда бетакорр Мустақиллик мажмуаси жадал суръатлар билан бунёд этилмоқда. Насиб этса, бу йил энг улуг, энг азиз байрамимизни мана шу янги майдонда ўтказамиз.

XXX

Таъкидлаш керакки, Янги Ўзбекистонни барпо этиш-бу шунчаки хоҳиш-истак, субъектив ҳодиса эмас, балки туб тарихий асосларга эга бўлган, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий вазиятнинг ўзи тақозо этаётган, халқимизнинг асрий интилишларига мос, унинг миллий манфаатларига тўла жавоб берадиган объектив заруратдир.

XXX

Айни вақтда шуни таъкидлашни истардимки, биз бу демократик ўзгаришларни кимларгадир ёқиб, мактаниш, турли рейтингларга кириш учун эмас, аксинча, демократик жараёнлар ўзимизга сув билан ҳаводек зарур бўлгани учун, халқимиз, авваламбор, ёш авлодимизнинг бугунги ҳаёти ва эртанги истиқболини ўйлаб, миллий манфаатларимиз йўлида амалга оширмоқдамиз.

XXX

Бир ҳақиқатни очик тан олишимиз лозим: вақт ўтиши билан ислохот жараёнлари тобора кенгайиб бормоқда, шиддатли замон олдимизга янада улкан вазифаларни қўймоқда. Ҳаётнинг ўзи бизни кўп нарсага ўргатмоқда. Шу сабабли биз доимий изланишдамиз. Изланиш бор жойда ютуқлар билан бирга камчилик ва нуқсонлар ҳам бўлиши табиийдир. Энг асосийси, “Ҳаракатда-баракат” деганларидек, биз энг кийин босқичдан ўтдик,

яъни, йўлимизни аник белгилаб, катта ишларни бошладик. **XXX** Давлатни ким шакллантиради? Халқ ва унинг муқтор вакиллари. Бинобарин, давлат ва унинг органлари аввало кимга хизмат қилиши керак? Албатта, халққа, турли мансаб эгаларига овоз берган ва ишонч билдирган фуқароларга. Шу маънода, халқимиз давлат хизматидан рози бўлишига ҳар томонлама ҳақли ва муносибдир. (Депутатлар яъни халқ вакиллари сизга том маънода елкадош бўла олаётимизми?)

XXX

Мен Давлат раҳбари сифатида фаолият бошлаган 2017-йилга мамлакатимизда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”, деб ном берганимиз замирида ҳам айнан шундай интилиш ва ҳаракатларимиз мужассам эканини аниқлаш қийин эмас, деб ўйлайман. Албатта, биз эски тизимни батамом ўзгартириб, ўз олдимизга қўйган мақсадга тўлиқ эришдик, деб айтишга ҳали эрта. Такрор айтаман, биз ҳар куни изланишдамиз.

XXX

Биз ҳаётимизда мажбурий меҳнат, хусусан, болалар меҳнати, ишсизлик, камбағаллик, коррупция, аҳолини уй-жой билан таъминлаш, таълим ва тиббиёт билан боғлиқ муаммолар мавжудлигини очик тан олиб, уларни кенг жамоатчилик билан биргаликда бартараф этмоқдамиз. Бугун одамларда адолатга, ҳақиқатга ишонч пайдо бўлмоқда. Улар турли даражадаги раҳбар ва мансабдорларнинг иш фаолиятига ҳолисона баҳо бермоқда, камчиликларни ошқора танқид қилмоқда.

(Давоми 2-бетда).



Ўткир ЧОРИЕВ, Бандихон тумани ҳокими

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БАНДИХОН ТУМАН ҲОКИМИНИНГ ТАБРИГИ

рилган ислохотлар натижасида ҳам сўнги бир йилда 1 та давлат, 19 та оилавий боғчалар ташкил этилиб, болалар камрови 26,5 фоизга етказилди. “Наврўз”, “Қалдиргоч”, “Бирдамлик”, “Бектепа”, “Пахтакор”, “Сарой” ва “Гулбо” маҳаллалари ҳудудидан жами 7 та давлат мактабгача таълим ташкилотларини қуриш эвазига қамровни 68 фоизга етказиш ишлари олиб борилмоқда.

Туманнинг “Зевар” маҳалласи ҳудудида умумий қиймати 2 миллиард 234 миллион сўм бўлган 29-сонли умумтаълим мактабида 240 ўринли, “Полвонтош” маҳалласи ҳудудида умумий қиймати 2 миллиард 159 миллион сўм бўлган 7-сонли умумтаълим мактабида 240 ўринли, “Бандихон” маҳалласи ҳудудида умумий қиймати 4 миллиард 73 миллион сўм бўлган 7-сонли иختисослаштирилган мактаб интернатидан 330 ўринли янги бино қуриб фойдаланишга топширилди.

Бандихон туман марказий шифохонаси ҳудудида қабул диагностика, 15 ўринли шойлини тез тиббий ёрдам бўлими ҳамда 20 ўринли терапия бўйимлари, ошхона, қирхона биноларини янгидан қуриш учун 12 миллиард 229 миллион сўм маблағ ажратилиб, қурилиш ишлари 45 фоизга, «Сарой» МФЙдаги 50 қатновли таъминотидаги марказий поликлиникасининг Ойбек филиалини мукамал таъмирлаш учун 1 миллиард 102 миллион сўм маблағ ажратилиб, ҳозирги кунда қурилиш ишлари 55 фоизга бажарилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 2020 йилда умумий қиймати 29 миллиард 614 миллион сўм бўлган 51 та лойиҳа

ишга туширилиб, 293 та янги иш ўринлари яратилди.

Жумладан, «Баҳриддин нур» фермер хўжалиги томонидан 2 миллиард 500 миллион сўмлик 9 та янги иш ўрнига эга бўлган, «Ориентал активите» МЧЖ томонидан 1 миллиард сўмлик 10 та янги иш ўрнига эга бўлган шебон ишлаб чиқариш лойиҳалари ишга туширилди. Шунингдек, “Дилшод Дилёр” МЧЖ томонидан қиймати 5 миллиард 500 миллион сўмга тенг бўлган, “Курбонмурод Ўрол” МЧЖ томонидан эса 4 миллиард 800 миллион сўм қийматдаги сиклиган газ қуйиш шахобчаларининг ишга тушиши натижасида 20 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Туманда иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида 2021-йилнинг ўзида 1006 та субьектга 25 миллиард 830 миллион сўм имтиёзли кредит маблағлари ажратилди.

2021-2023-йилларда эса қиймати 880 миллиард 812 миллион сўмлик 345 та лойиҳа ишга туширилиб, 7061 та янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган.

Хусусан, 2021-2022-йилларга мўлжалланган йирик лойиҳалардан бири “Бандихон Агророкластер” МЧЖ томонидан қиймати 11 миллион долларга тенг бўлган “пахта ҳамда бугдойни қайта ишлашни ташкил этиш” лойиҳасига кўра ер майдонлари тармоқли марказий олиб борилмоқда. Ва бу лойиҳа доирасида 700 та янги иш ўрни яратилади.

Шунингдек, «Бест Гарден томорқа хизмати» МЧЖ томонидан қиймати 10 миллиард 560 миллион сўм бўлган “Томат пастаси ишлаб чиқариш, музлатгичли омборхона ҳамда томорқа хизматини ташкил

этиш” лойиҳасига кўра юзга яқин янги иш ўринлари яратилади. «Бойсун Керамзит Инвест» МЧЖ, «Тожинон Шўрчи» ХК томонидан эса 50 тага яқин иш ўрни яратилади.

Яна бир йирик лойиҳалардан бири «Бандихон флайинг фалкон» МЧЖ томонидан 45 миллиард сўм қийматда 850 бошга мўлжалланган йирик қорамолчилик комплекси ташкил этилиб, 100 дан ортиқ янги иш ўрни яратилса, «BAHRIDDIN NUR» фермер хўжалиги томонидан эса 7 миллиард сўмга йилга 600 минг бош парранда яъни 840 тонна парранда гўшти етиштиришга мўлжалланган паррандачилик фабрикаси ташкил этилиши натижасида 15 та янги иш ўрни яратилади.

“Бектепа”, “Қудуксой” ва “Бандихон” маҳаллаларида ташкил этилаётган 48,2 гектарлик кичик саноат зонасига салохиятли лойиҳа ташаббускорларини жойлаштириш ва зарур инфратузилма тармоқлари билан таъминлаш ишлари олиб борилмоқда.

“Обод кишлоқ”, “Обод маҳалла” дастури доирасида 22 та маҳалла ҳудудидаги кишлоқларнинг архитектура қиёфасини янгилаш ва ҳудудларини обдонлаштириш бўйича жами 15 миллион 133 минг сўм, «Сарой» маҳалласининг «Сарой» кишлоғида пиёдалар йўлаклари ва тунги ёритиш тизимини ўрнатиш учун 174,7 миллион сўмлик маблағ ажратилиб қурилиш ишлари 85 фоизга, «Сарой» маҳалласининг «Куба» кишлоғида пиёдалар йўлаклари ва тунги ёритиш тизимини ўрнатиш учун 182,8 миллион сўм маблағ ажратилиб қурилиш ишлари 80 фоизга бажарилди.

Бир сўз билан айтганда мустақиллик инъом этган имкониятлар кўламини ҳар қанча таъкидласак арзийди.

Сиз азияларни яна бир бор яқинлашиб келаётган истиқлол айёми билан табриклаб, хонадонларингизга осойишталик, дастурхонларингизга қут-баракат тилайман.



ҚАНОТСИЗ ҚУШ ҲАДИҚДА ЯШАЙДИ

Ватансиз инсон қанотсиз қуш каби саросимада, ҳадикда, соғинида яшайди. Она Ватан бағрида улғайган, камол топаётган инсон эса эркин, ширин озулар, мақсадлар қанотида узокларга, юксакларга чоғланаверади. Ана шундай бебаҳо манзилда улғайиш энг катта бахт.

Мамлакатимиз мустақиллиги куни нишонланаётган кезларда Она Ватаннинг илиқ ҳароратини янада чуқурроқ ҳис этаемиз. Бу тарих республикамизнинг йиллар давомида қадамма-қадам тобора ривожланаётганидан далолатдир. Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллиги арафасида «Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!» деган эзгу гоя асосида ўтказилаётган байрам тадбирлари бандихонликларнинг ҳам қувончига қувоч бахш этди.

Туман марказий ўйингоҳида давлатимиз мустақиллигининг 30 йиллиги катта шоду хуррамлик билан нишонланди. Энг асосий аҳолининг кайфияти янада жўшқин эди. Туман ҳокими Ўткир Чориев юрдошларимизни энг азиз байрамимиз билан қутлаб, Бандихонда амалга оширилаётган ислохотлар ва эртанги улугвор режалар ҳақида тўхталиб ўтди.

Ҳақиқатдан ҳам мустақиллик ишоатларини, умуман барча бунёдкорлик ишлари ва соҳаларда бораётган жадал ислохотлар нафасини туманимиз мисолида ҳам кўриш мумкин.

Байрам тадбирига йирилган аҳолида туманимиз ҳамда республикадан ташриф буюрган таниқли санъаткорларнинг бадиий чиқишлари ҳам катта таассурот қолдирди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жамятимизнинг ҳар бир аъзосига гамхўрлик, меҳр-оқибат кўрсатилаётгани чин маънода инсонпарварлик намунасидир. Биргина Бандихон туманидан 100 га яқин тумандошларимиз кўп йиллик самарали меҳнатлари, жамяят равнақи йўлида фаоллиги боис «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги» эсталик нишони билан тақдирланди.

(Давоми 2-бетда)

ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ МУБОРАК

Президент Фармонида кўра, Ўзбекистон мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан мамлакатнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш ва Янги Ўзбекистонни барпо этишдаги хизматлари учун давлат хизматчилари, тадбиркорлар ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан 500 нафардан ортиги мукофотланди. Улар орасида бандихонликлар ҳам бор.

«Содик хизматлари учун» медали билан: **Чориев Ўткир Абдузайирович**, Бандихон тумани ҳокими «Шухрат» медали билан (100 ёшдан ошганлар): **Гаппарова Зулфин**- Бандихон тумани

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАР, КЕНГ ИМКОНияТЛАР ВА АМАЛИЙ ИШЛАР МАМЛАКАТИГА АЙЛАНМОҚДА

**(Боши 1-бетда).
X X X**

Бугунги Ўзбекистон-кечаги Ўзбекистон эмас, бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас, деб айтишга барча асосларимиз бор. Айни пайтда яна бир ҳақиқатни унутмаслигимиз лозим: бугунги Ўзбекистон-бу ҳали том маънодаги, биз орзу қилаётган, интилаётган Янги Ўзбекистон эмас. Ҳали бу маррага етиш учун олдимизда жуда олис ва машаққатли йўл турибди.

X X X

Холбуки, собиқ мустабид тузум даврида “тепа”дан буйруқ бўлмаса, бир қадам босишга ҳам ҳаққимиз йўқ эди. Аҳвол шу даражага етиб бордин эдики, уйимизнинг томигача пахта экидик, лекин қосамиз оқармади. Мактаб болаларини ҳам пахтага ҳайдадик. Севимли шойримиз Абдулла Орипов ўз даврида чуқур дард ва изтироб билан “Миллион эгитларга сочилган Ўзбек”, деб ёзганидек, юз йил эгиллиб пахта тердик.

X X X

Очиқ айтмоқчиман: менинг табиатим бундай сохта ҳаётни мутлақо қабул қилолмайдим. Халқимиз менга ишонч билдирди, ана шу юксак ишончни

оқлаш, эл-юртимизга муносиб ҳаёт шароитини яратиш бериш -мен учун ҳаётимнинг маъно мазмунидир. Мен миллионлаб инсонларнинг тақдири учун масъулиятни зиммамга олган эканман, ислохотлар борасида бошқача йўл тутдим, ҳаммасини аввалгидек қолдиришим асло мумкин эмас. Такрор айтмаман: олдимизда турган ишларнинг барчасини ўзимиз, ўз кучимиз билан қилишимиз керак, ҳеч ким четдан келиб биз учун биронта муаммони ҳал қилиб бермайди.

X X X

Асосий эътибор аҳолининг кам таъминланган қатламларига дотация бериш эмас, балки уларга даромад топиш учун зарур шароит ва имкониятлар тугдиришга қаратилмоқда.

X X X

Айрим маҳаллий ҳокимият органлари томонидан тadbиркорлар ишига аралашиб, “телефон ҳуқуқи”дан фойдаланиб, уларга таъйиқ ўтказиш ҳолатлари учраб тургани ҳам бор гап. Биз бундай муаммоларга узил кесил нукта қўйиш устида ишлаяпмиз.

X X X

Янги Ўзбекистонни барпо этиш -яқин ва олис тарихимиз, бетакрор ва ноёб мада-

ний бойлиқларимизни янада чуқур ўрганиб, уларга таъйиб, мустақил миллий тараққиёт йўлимизни янги босқичда давом эттириш демакдир.

X X X

Ўзбекистоннинг Орол бўйи минтақасини экологик инновация ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш бўйича БМТ Бош Ассамблеясининг махсус резолюциясини қабул қилиш ҳақидаги муҳим ташаббуси 2021-йил 18-май куни Ассамблея томонидан бир овоздан маъқулланганини қайд этиш ўринлидир.

X X X

Қанчалик аччиқ ва ноқулай бўлмасин, мен фақат тўғри ва ҳаққоний маълумотни билишни истайман. Бу мен учун тўғри қарорлар қабул қилишга ёрдам беради. Албатта, бу таллабни ҳамма ҳам тушуниб етгани йўқ, ҳалиям эскича усулда маълумот беришга уришиллар бўлиб туради. Лекин мен бундай ҳолатларга йўл қўймайлик ҳаракат қиламан. Ана шу ҳақиқатни тушулмаганимизнинг кўпчилиги билан ҳайрланшиқ ва бу масалада талаб доимо қаттиқ бўлади.

X X X

Менинг асосий талабим - одамларни тушуниш, уларнинг кувончу ташвишлари билан

яшаш, ён-атрофдаги вазиятга оддий халқнинг кўзи билан қараши ва баҳо бериши, эл-улусдан ажралиб қолмаслик керак. Шундагина ҳудуд ёки тармоқни бошқариш ва муҳим қарорлар қабул қилишда аниқ самара бўлади. Хар бир раҳбарнинг фаолият мезони -бу халқнинг орзу-умидларини ўзи учун асосий мақсад қилиб, уларни изчилик билан рўёбга чиқаришдан иборат.

X X X

Ана шундай мураккаб шароитда эл-юрт билан ҳамдард, ҳамнафас бўлиб яшамайдиган, ҳаётнинг ўзи тақозо этаётган оддий ҳақиқатларни тушунай диган мансабдорларнинг раҳбар сифатида келажаги йўқ. Уларга бирон-бир масъулиятли вазифани ишониб ҳам бўлмайди.

X X X

Кўзбўямачилик, одамларни қийнаш, сохта ва баланларнинг гапларга ўчлик йиллар давомида баъзи раҳбарларнинг қон-қонига шу қадар сингиб кетган эканки, улардан қутулиш қийин бўляпти. Лекин қандайд бўлмасин, бу каби иллатларга бутунлай чек қўйишимиз керак.

X X X

Барчамизга ризқ-насиба

берган, оқ ювиб, оқ тараб воёга етказган эл-юртимиз олдида биз ҳамма ҳарқдоримиз. Азиз ва ардоқли халқимизнинг розилигига эришиш -биз учун энг буюк саодатдир. Чунки халқ биздан рози бўлса, Яратган ҳам рози бўлади.

X X X

Бу йил Тошкент шаҳрида энг юксак халқаро талабларга жавоб берадиган “Янги ўзбекистон” университети ташкил этилди. Ушбу университет мамлакатимиздаги барча олий ўқув юртлари учун намуна бўлади.

X X X

Биласизми, дунёдаги давлатлар, халқларнинг ривожланиш даражасини кўрсатадиган мезонлар, параметрлар кўп. Лекин мен учун шу борадаги энг муҳим мезон -бу ёшларимизнинг бахти, камолидир. Янги Ўзбекистоннинг нафаси, сурьати ва шиддатини аввало азиз ўғил-қизларимизнинг азму шижоати, дадил фикр ва тақлифларида, эришаётган дастлабки ютуқларида кураман.

X X X

Янги Ўзбекистон жаҳон майдонида кучли салоҳият, муносиб обрў-эътиборга эга бўлган, ҳар томонлама обод ва фаровон мамлакатга айланади. Мен бунга нафақат ишонман, балки шу йўлда бор билан ва тажрибамни, куч-гайратимни сафарбар этишга ҳаммиша тайёрман. Барча юртдошларимизни ана шундай улусларимиз -Янги Ўзбекистон бунёдкорлари қаторида бўлишга даъват этаман.



ҚАНОТСИЗ ҚУШ ҲАДИҚДА ЯШАЙДИ

(Боши 1-бетда).

Мустақиллик байрами арафасида ташкил этилган авлодлар учрашуварларида ҳам мамлакатимиз раҳбарига яқин кўмакчи, камарбаста бўлаётган юртдошларимизнинг фаоллиги, мустақиллигимиз берган ва бераётган имкониятлар бosh мавзусига айланади. Бундан кўзланган мақсад янги Ўзбекистоннинг бугунги обод манзарасини, кечаги кунда боболаримизнинг бугунги дорилмон кунларга интиқ орзулари ва армоларини рўй рост етказишга, бугунги авлод вакиллари қалбида Она Ватанга бўлган муҳаббатни янада юксалтиришга қаратилгани билан муҳим аҳамият касб этади.

Умуман, “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” дастурлари, бошқа қатор лойиҳаларнинг амалга оширилаётгани натижасида туманимизнинг барча қишлоқ ва маҳаллалар қиёфаси ўзгармоқда, халқнинг розилигига эришилмоқда. Энг асосийси жонажон Ўзбекистонимизда ҳўкм сураётган тинчлик, оsoийшталик, миллатлараро тотувлик, бағрикенглик юртимиз тараққиётнинг бош омилли эканлигини барчамиз дил-дилдан ҳис этмоқдамиз.

Умид ҚУЛМАМатов,
ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-марифий ишлар бўйича ўринбосари.

МУҲИМ СИЁСИЙ ТАДБИРГА ТАЙЁРГАРЛИК



Бандихон туманида жами 31 та сайлов участкаси ташкил этилган. Мавжуд сайлов участкаларида сайловчилар учун белгиланган вақтда овоз беришлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Хозирги кунда туманда жами 76989 нафар аҳолидан сайлаш ҳуқуқига эга бўлган 41246 нафари сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати қиритилган. Шундан 1992 нафари биринчи маротаба сайлов жараёнларида иштирок этадиган фуқаролардан иборат.

Участка сайлов комиссияси раиси, раис ўринбосари ва

котиблари жами 92 нафар номзодларга ўқув семинарлари ташкил этилиб, иштирокчиларга сайлов жараёни бўйича дарс машғулотлари ўтказилди. Шунингдек, участка сайлов комиссияси раиси, раис ўринбосари ва котиблар малакали тренерлар томонидан ўқитилди ҳамда ўқувлар якуни бўйича билмлари синовдан ўтказилди.

Туманда 5 та сиёсий партиялар ташкил этилган бўлиб, сиёсий партиялар билан ишлаш ва уларнинг сайловолди тарғибот олиб боришлари учун зарурий шарт-шароитлар яратилган.

Эркин АБДУРАХИМОВ,
Бандихон тумани
ҳокимининг жамоатчилик
билан ишлаш бўйича
маслаҳатчиси

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 24.08.2019-йилдаги 930-сонли қарори билан тасдиқланган “Қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида сайлов участкаларини ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низом талабларига кўра, сайлов куни 18 ёшга тўлган, қамоқда сақлаш жойларида ушлаб турилган ҳамда қамоққа олинган, шунингдек, ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар содир этганлиги учун суднинг ҳўкми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар овоз бериш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганлиги учун суднинг ҳўкми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайловда иштирок этмайди.

Қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида сайлов участкалари сайловга камида олти кун қолганида, айрим ҳолларда эса истисно тариқасида, сайлов

МАҲКУМЛАРНИНГ САЙЛОВЛАРДА ИШТИРОК ЭТИШ ҚУҚУҚЛАРИ ТАРТИБИ

га камида етти кун қолганида тузилади.

Қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойлари раҳбарларининг тақдимномасига асосан, сайлов участкалари округ сайлов комиссияси қарори билан тузилади.

Айрим ҳолларда, манзил-колониаси маъмуриятининг тегишли округ сайлов комиссиясига берган тақлифига асосан мазкур муассасаларда сақланаётган сайловчилар кўча сайлов кутиси орқали сайловчиларнинг турган жойида овоз бериши учун у жойлашган ҳудудда сайлов участкасига бириктириш тўғрисида округ сайлов комиссиясининг қарори қабул қилиниши мумкин.

Қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларининг раҳбари томонидан участка сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар мазкур муассаса ходимлари орасидан

округ сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилади.

Зарурат туғилганда, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларининг раҳбари томонидан Сайлов кодексининг 25-моддасига мувофиқ бошқа шахслар ва жамоатчилик вакиллари ҳам участка сайлов комиссияси аъзолигига номзод сифатида тавсия этилиши мумкин.

Сайлов кутилари уларнинг ёнига овоз берувчилар, албатта, яширин овоз бериш каби наларни ёки хоналаридан ўтиб борадиган қилиб жойлаштирилади.

Қамоқда сақлаш жойларида ушлаб турилган ҳамда қамоққа олинган, шунингдек, ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар содир этганлиги учун суднинг ҳўкми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида

асослантирилган жавоб бериши шарт.

Қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларининг маъмурияти томонидан номзодларга, уларнинг ишончли вакиллариغا, сиёсий партияларга фуқаролар билан учрашувлар ўтказиш орқали сайловолди ташвиқоти учун тенг шароитлар яратиш берилади.

Овоз бериш биносига келгач, сайловчилар рўйхатга имзо қўйганидан кейин унга сайлов бюллетени берилади.

Қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган сайлов участкаларида уч-астка сайлов комиссияси, агар рўйхатга киритилган барча фуқаролар овоз бериб бўлган бўлса, истиалган вақтда овоз бериш туғанлигини эълон қилиши мумкин.

М.Холбеков,
Кумкўрғон туманлараро
иқтисодий суди
судья ёрдамчиси
М.Хидиров,
Кумкўрғон туманлараро
иқтисодий суди
архив мудири

Жуманазар МАДИЕВ,
Бандихон тумани
оилавий шифокори.
Соғлиқни сақлаш аълочиси.
Дўстлик ордени соҳиби

Тарих талқинлари

«ҚОРА КУНЛАР» ВА ОЙДИН ЙЎЛЛАР



ри тинч аҳолидан 10000 кишини қатл қилди. Бу хуррезлиги билан мустабид тузим ўзбек халқига ҳақиқий башарасини кўрсатди.

1918-1919-йилларда 114 марта миллий озодлик ҳаракати бўлади. Маркази Қўқон бўлган жойлардаги озодлик кўзголончилари гуруҳида 70 та, энг катта гуруҳ Мадамин бекничи бўлиб, 28000 кишидан иборат эди. У 1920-йили мустақиллик йўлида, 28 ёшида қурбон бўлди.

1937-1939-йилда 6920 нафар халқини ўзига эргаштира оладиган, асосан олимми-ижодкорлар умрининг олтин даври 25-45 ёшида қатл қилинди.

1937-1953-йилларда юз минглаб кишиларни ижтимо-

ий ҳаётдан узиб қўйиш учун қатоғон қилинди, шулардан 13000 таси отилди. Шоира С.Зуннунова “Сочини кесидан яратганининг ўзи асрадин”, деган сўзи учун таъйиб, қишлоқ ўқитувчиси дарс жараёнида “соғ бўлсин, бор бўлсин Совет болалари” нақорат шеъри жумласига “Шулар қаторида қулқол болалари ҳам кам бўлмасин” -деган сўзи учун қатоғон қурбони бўлди.

Ўзбеклар ва пахта иши каби оғриқли кечмишни халқимиз ҳали-ҳали унутгани. 1929-йил ўзбек лотин алифбеси йўлга қўйилди. Шунча уқибатни бошдан ўтказиб, миллий урф-одатини, тилини унутмаган аждодларимизга тасаннолар бўлсин, деган эди Ўзбе-

кстон Қаҳрамони Абдулла Орипов.

Талабалик йилларим маъмурилик даври- 1977-1982-йилларида ўтди. Дарслар аксарияти русча эди. 1986-1988-йилларда Тош Дав Мида клиник ординатура пайтида илмий мавзу олдим. Номзодлик минимум рўйхатига ўтиш синовлари орасида рус тили ва чет тиллардан бирини мукамал билмоғи энг муҳими илмий иш раҳбарларидан ақалли биттаси марказдан бўлмоғи шарт эди.

“Нобел” мукофотига Ўзбекистондан то ҳануз соҳиб чиқмаганлигига шу каби мустамлақ тартиб-қоидалари ўз таъсирини кўрсатмадимикин. Америкадан 200 тадан ортиқ мукофот соҳиби бўлиб, 170 таси иккинчи жаҳон урушидан кейин сазовор бўлган. Мустақилликка истеъдод соҳибларига имконият эшикларини ланг очиб, қобилятилар янгилик-енгилик яратувчилар қўллаб-қувватладиган муҳитни тугдирди. Корея мамлақати юртбошимизни Ўзбекистондаги бугунги ислохотлар кўламинидаги хизматларини Нобель мукофотига муносиб топиб номзодини тақдим этмоқимиз ҳали-ҳали унутгани. 1929-йил ўзбек лотин алифбеси йўлга қўйилди. Шунча уқибатни бошдан ўтказиб, миллий урф-одатини, тилини унутмаган аждодларимизга тасаннолар бўлсин, деган эди Ўзбе-

ган фикр билан яшаб-ишлашга одатланганман. Қурувчи касбий ҳалолигини таъминласин-ки, хом синиқ гиштили берида ҳам кимдир яшайди. Меъёрга раҳна солувчи қурурлар билан курашадиган яшаш тарзига эришиб, мулкка масъулилик ҳисси билан яшашни ўрганилик. Яшаш ва иш жойида ўзгаларига ибрат кўрсатиб, дуч келган камчилиқни имкониятими етканча тузатиб-ислоҳ қилсак, тезроқ бўлади. Мана воҳиднинг тоғли-чўлли гўшаларида қаттиқ бўлса-да, тиббиётнинг ризқи билан яшаб юрсамда, бугунги дунёни-да лол қолдиражак даражада ҳар бир жабҳада кенг қамровли ишларни кўриб қувонаман.

Имкониятним кўтарганча, илм-у салоҳиятним етганча касбий фаолиятимни ислоҳ қилиб ҳаттоки, йўлда бўлса-да мени тинглаувчиларга тиббий савдонлик йўлида ваъзхонликдан чарчамайман ва бу касбий бурчимни бажариш йўлидаги хиссам-ку, дея ичимдан гурурланиб қўяман.

Коронавирус балосини аҳилликка енгамиз, -албатта. Адолатли, халқига гамҳўр юртбошимиз, матонатли, касбий маҳоратли тиббиёт ходимларимиз бор, -десам муболағга йўйманг.

Аждодларимиз орзулаб ўтган доруолум, соадатли заминда яшаётганимдан фахрланиб, шукроналар келтираман.



Бош вазир қабулхонаси —тадбиркорнинг энг яқин кўмакчиси

Президентимизнинг 2019-йил 14-майдаги «Тадбиркорлик фаолиятини кўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони асосида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари ташкил этилиб, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиб келмоқда ва бу қабулхоналар тадбиркорларнинг энг яқин ҳимоячиси ва кўмакчисига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Бандихон туманидаги Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонасига жорий йилнинг ўтган даврида келган 150 та мурожаатдаги 157 масала кўриб чиқилиб, 101 таси ёки 66 фоизи қаноатлантирилди.

таҳлил қилганимизда, улардан 71 таси кредит, 21 таси ер ва кадастр, 65 таси эса электр, газ таъминоти ва қишлоқ каби турли соҳаларни қамраб олади.

Бу кби сайи-ҳаракатларимиз аҳолини тадбиркорликка жалб этиш, ишбилармонлик муҳитини яхшилашга қаратилган ишлар самардорлигини оширишда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан тадбиркорлик ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, қолаверса, аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қилади.

Абдуғани СУЮНОВ,
Бандихон туманидаги
Бош вазир қабулхонаси
мудири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ 9-СУРХОНДАРЁ ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов участкаларини тузиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 10-, 22-моддаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 9-Сурхондарё округ сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

- Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 9-Сурхондарё сайлов округи ҳудуди бўйича сайлов участкаларининг жойлашуви юзасидан 1 та шаҳар ва 14 та туманлар ҳокимларининг, 4 та ҳарбий қисм ва 1 та жазони ижро этиш муассасасининг тақдимномалари маълумот учун қабул қилинсин. (Тақдимномалар илова қилинади)
- Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 9-Сурхондарё сайлов округи ҳудудидида куйидаги сайлов участкалари тузилсин.

Чегараси: Бандихон тумани “Сарой” маҳалла фуқаролар йиғини Мустақиллик 30 йиллиги, қатор тол, Шарғун, Янги ер ва Дўстлик кўчалари ҳудудидидаги барча турар жойлар кирди.

397-сайлов участкаси
Маркази: 5-сонли умумтаълим мактаби биноси. Бандихон тумани “Обод турмуш” маҳалла фуқаролар йиғини, “Ялтирок” кўчаси, 24-А ўй (тел: +99855-451-63-51).

Чегараси: Бандихон тумани “Обод турмуш” маҳалла фуқаролар йиғини “Ялтирок”, “Исломобод”, “Янгиобод”, “Ёшлар”, “Тинчлик” ва “Истиклол” кўчалари ҳудудидидаги барча турар жойлар кирди.

398-сайлов участкаси
Маркази: 6-сонли умумтаълим мактаби биноси. Бандихон тумани “Обод турмуш” маҳалла фуқаролар йиғини, “Гулзор” кўчаси, 7-А ўй (тел: +99855451-63-81).

Чегараси: Бандихон тумани “Обод турмуш” маҳалла фуқаролар йиғини “Гулзор”, “Гулбоғ”, “Мустақиллик”, “Навбахор” ва “Бўстон” кўчалари ҳудудидидаги барча турар жойлар кирди.

399-сайлов участкаси
Маркази: 7-сонли умумтаълим мактаби биноси. Бандихон тумани “Полвонтош” маҳалла фуқаролар йиғини, “Пахтакор” кўчаси, 2-А ўй (тел: +99855-451-65-17).

Чегараси: Бандихон тумани “Полвонтош” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидидаги барча турар жойлар кирди.

400-сайлов участкаси
Маркази: 8-сонли умумтаълим мактаби биноси. Банди-

хон тумани “Навбахор” маҳалла фуқаролар йиғини, “Навбахор гулбоғи” кўчаси, 51-А ўй (тел: +99855-451-62-43).

Чегараси: Бандихон тумани “Навбахор” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидидаги барча турар жойлар кирди.

401-сайлов участкаси
Маркази: Бандихон тумани касб-ҳунар мактаби биноси. Бандихон тумани “Чинор” маҳалла фуқаролар йиғини, “Чинор” кўчаси, 2-ўй (тел: +99855-451-62-34).

Чегараси: Бандихон тумани “Пахтакор” маҳалла фуқаролар йиғини “Боғбонлар” кўчаси ҳамда “Чинор” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидидаги барча турар жойлар кирди.

402-сайлов участкаси
Маркази: 10-сонли умумтаълим мактаби биноси. Бандихон тумани “Бирдамлик” маҳалла фуқаролар йиғини, “Шифокорлар” кўчаси, 1-ўй (тел: +99855-451-65-03).

Чегараси: Бандихон тумани “Бирдамлик” маҳалла фуқаролар йиғини “Шифокорлар”, “Наврўз”, “Укитувчилар”, “Бирдамлик”, “Боғбонлар”, “Шодлик”, “Бунёкдор”, “Тадбиркорлар” ва “Ёшлик” кўчалари ҳудудидидаги барча турар жойлар кирди.

403-сайлов участкаси
Маркази: 30-сонли умумтаълим мактаби биноси. Бандихон тумани “Бирдамлик” маҳалла фуқаролар йиғини “Бирдамлик” чашмаси кўчаси, 6-А ўй (тел: +99855-451-65-21).

Чегараси: Бандихон тумани “Пахтакор” маҳалла фуқаролар йиғини “Дўстлик” кўчаси ҳамда “Бирдамлик” маҳал-

ла фуқаролар йиғини “Янги кишлоқ”, “Аппомиш”, “Бирдамлик чашмаси”, “Бўстон”, “Мустақиллик” ва “Шижоаткор” кўчалари ҳудудидидаги барча турар жойлар кирди.

404-сайлов участкаси
Маркази: 11-сонли умумтаълим мактаби биноси. Бандихон тумани “Пахтакор” маҳалла фуқаролар йиғини, “Хомкон” кўчаси, 400-А ўй (тел: +99855-451-65-36).

Чегараси: Бандихон тумани “Пахтакор” маҳалла фуқаролар йиғини “Хомкон” ва “Ашурхон” кўчалари ҳудудидидаги барча турар жойлар кирди.

405-сайлов участкаси
Маркази: 29-сонли умумтаълим мактаби биноси. Бандихон тумани “Зевар” маҳалла фуқаролар йиғини, “Зевар” кўчаси, 1-ўй (тел: +99855-451-65-37).

Чегараси: Бандихон тумани “Зевар” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидидаги барча турар жойлар кирди.

406-сайлов участкаси
Маркази: 27-сонли умумтаълим мактаби биноси. Бандихон тумани “Ҳужаипок” маҳалла фуқаролар йиғини, “Турон” кўчаси, 51-А ўй (тел: +99855-451-65-38).

Чегараси: Бандихон тумани “Ҳужаипок” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидидаги барча турар жойлар кирди.

407-сайлов участкаси
Маркази: 26-сонли умумтаълим мактаби биноси. Бандихон тумани “Бағрикент” маҳалла фуқаролар йиғини, “Дўстлик” кўчаси, 43-А ўй (тел: +99855-451-65-39).

Чегараси: Бандихон тумани “Бағрикент” маҳалла фуқа-

ролар йиғини ҳудудидидаги барча турар жойлар кирди.

408-сайлов участкаси
Маркази: 25-сонли умумтаълим мактаби биноси. Бандихон тумани “Обод юрт” маҳалла фуқаролар йиғини, Ҳамкон кўчаси, 27-А ўй (тел: +99855-451-65-40).

Чегараси: Бандихон тумани “Обод юрт” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидидаги барча турар жойлар кирди.

409-сайлов участкаси
Маркази: 24-сонли умумтаълим мактаби биноси. Бандихон тумани “Урғилсой” маҳалла фуқаролар йиғини, Ибн Сино кўчаси, 22-А ўй (тел: +99855-451-57-90).

Чегараси: Бандихон тумани “Урғилсой” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидидаги барча турар жойлар кирди.

410-сайлов участкаси
Маркази: Кизирқиқ агротехнологиялар техникуми биноси. Бандихон тумани “Фаровон” маҳалла фуқаролар йиғини, “А.Навоий” кўчаси, 55-А ўй (тел: +99855-451-65-41).

Чегараси: Бандихон тумани “Фаровон” маҳалла фуқаролар йиғини “Бойчечак”, “Истиклол”, Ибн-Сино, “Фаровон”, “Турон”, А.Навоий, “Мустақиллик”, “Гулстон”, “Киршак” ва “Гулзор” кўчалари ҳудудидидаги барча турар жойлар кирди.

411-сайлов участкаси
Маркази: 17-сонли умумтаълим мактаби биноси. Бандихон тумани “Фаровон” маҳалла фуқаролар йиғини, “Деҳқонобод” кўчаси, 1-А ўй (тел: +99855-451-62-59).

Чегараси: Бандихон тумани “Фаровон” маҳалла фуқаролар йиғини “Бирдамлик”, “Деҳқонобод” ва “Шодлик” кўчалари ҳудудидидаги барча турар жойлар кирди.

412-сайлов участкаси
Маркази: 15-сонли умумтаълим мактаби биноси. Бандихон тумани “Бахористон” маҳалла фуқаролар йиғини, Миришкор кўчаси, 9-А ўй (тел: +99855-451-53-15).

Чегараси: Бандихон тумани “Бахористон” маҳалла фуқаролар йиғини “Ўзбекистон”, “Мустақиллик”, “Миришкор” ва “Дўстлик” кўчалари ҳудудидидаги барча турар жойлар кирди.

Маркази: 13-сонли умумтаълим мактаби биноси. Бандихон тумани “Бахористон” маҳалла фуқаролар йиғини, “Тараққиёт” кўчаси, 9-А ўй (тел: +99855-451-53-04).

Чегараси: Бандихон тумани “Бахористон” маҳалла фуқаролар йиғини “Тараққиёт”, “Шаршара”, “Боғбонлар”, “Чинор”, “Узумзор”, “Пахтакор”, “Миришкор” ва “Гулзор” кўчалари ҳудудидидаги турар жойлар кирди.

414-сайлов участкаси
Маркази: 20-сонли умумтаълим мактаби биноси. Бандихон тумани “Гулбоғ” маҳалла фуқаролар йиғини, Гулзор кўчаси, 34-А ўй (тел: +99855-451-53-05).

Чегараси: Бандихон тумани “Гулбоғ”, “Гулзор” ва “Нурли келажак” кўчалари ҳудудидидаги турар жойлар кирди.

415-сайлов участкаси
Маркази: 18-сонли умумтаълим мактаби биноси. Бандихон тумани “Гулбоғ” маҳалла фуқаролар йиғини, “Янгиарик” кўчаси, 37-А ўй (тел: +99855-451-53-06).

Чегараси: Бандихон тумани “Гулбоғ” маҳалла фуқаролар йиғини “Янги арик”, “Урқизор”, “Файзиобод”, “Янгиобод” ва “Рахмонобод” кўчалари ҳудудидидаги турар жойлар кирди.

416-сайлов участкаси
Маркази: 16-сонли умумтаълим мактаби биноси. Бандихон тумани “Қалдирғоч” маҳалла фуқаролар йиғини, “Дўстлик” кўчаси, 98-А ўй (тел: +99855-451-53-07).

Чегараси: Бандихон тумани “Қалдирғоч” маҳалла фуқаролар йиғини кўчалари ҳудудидидаги турар жойлар кирди.

417-сайлов участкаси
Маркази: 38-сонли умумтаълим мактаби биноси. Бандихон тумани “Лимонзор” маҳалла фуқаролар йиғини, қамишзор кўчаси, 9-А ўй (тел: +99855-451-53-08).

Чегараси: Бандихон тумани “Лимонзор” маҳалла фуқа-

ролар йиғини “Ёшлар”, “Бахтли эл”, “Бандихонсой”, “Бандихон 1”, “Шўрсой”, “Ғалаба”, “Камишзор”, “Гулзор”, “Деҳқонобод” ва “Олтин воҳа” кўчалари ҳудудидидаги турар жойлар кирди.

418-сайлов участкаси
Маркази: 37-сонли умумтаълим мактаби биноси. Бандихон тумани “Лимонзор” маҳалла фуқаролар йиғини, Ж.Абдуқодиров кўчаси, 2-А ўй (тел: +99855-451-53-10).

Чегараси: Бандихон тумани “Лимонзор” маҳалла фуқаролар йиғини “Биродарлик шох” кўчаси, “Теракли”, “Барх-аёт”, Ж.Абдуқодиров, “Лимонзор”, “Пахтакор”, “Уч шахид”, “Чорвадор”, “Истиклол 1” ва “Истиклол 2” кўчалари ҳудудидидаги турар жойлар кирди.

419-сайлов участкаси
Маркази: 36-сонли умумтаълим мактаби биноси. Бандихон тумани “Наврўз” маҳалла фуқаролар йиғини, “Мустақиллик” кўчаси, 2-А ўй (тел: +99855-451-53-11).

Чегараси: Бандихон тумани “Наврўз” маҳалла фуқаролар йиғини “Буюк келажак”, “Шабда”, “Хурмазор”, “Маърифат”, “Ғазли”, “Мустақиллик” ва “Пахтакор” кўчалари ҳудудидидаги турар жойлар кирди.

420-сайлов участкаси
Маркази: 35-сонли умумтаълим мактаби биноси. Бандихон тумани “Наврўз” маҳалла фуқаролар йиғини, “Гулобод” кўчаси, 15-А ўй (тел: +99855-451-53-12).

Чегараси: Бандихон тумани “Наврўз” маҳалла фуқаролар йиғини “Истиклол”, “Бирдамлик”, “Баркамол авлод”, “Гулобод”, “Маржонтепа” ва “Маданият” кўчалари ҳудудидидаги турар жойлар кирди.

421-сайлов участкаси
Маркази: 33-сонли умумтаълим мактаби биноси. Бандихон тумани “Кудуқсой” маҳалла фуқаролар йиғини, Ифтихор кўчаси, 6-А ўй (тел: +99855-451-53-13).

Чегараси: Бандихон тумани “Кудуқсой” маҳалла фуқаролар йиғини кўчалари ҳудудидидаги турар жойлар кирди.

422-сайлов участкаси
Маркази: 32-сонли умумтаълим мактаби биноси. Бандихон тумани “Обикор” маҳалла фуқаролар йиғини, “Янги замон” кўчаси, 124-А ўй (тел: +99855-451-53-14).

Чегараси: Бандихон тумани “Обикор” маҳалла фуқаролар йиғини кўчалари ҳудудидидаги турар жойлар кирди.

9-Сурхондарё округ сайлов комиссияси раиси

У.САТТАРОВ

Термиз шаҳри, 2021-йил 24-август. № 9-сон қарор

Бандихон туман ҳокимининг Бандихон тумани маҳаллий бюджетининг 2021-йил II чорак ижроси тўғрисида

2021-йил 26-июлдаги 53-8-211-Q/21-сон қарори

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 28-29-моддалари ва “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 21-25-моддаларига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланган давлат 2021-йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифалари ва йўналишларини амалга ошириш, шунингдек, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини ривожлантириш бўйича ўрта муқаддатли дастурларнинг бажарилишини давом эттириш, туман маҳаллий бюджетининг 2021-йилда ҳисоботларини белгиланган параметрлар асосида бажарилишини ҳамда кейинги даврда иқтисодиётни янада ривожлантиришининг мустақим асосини яратиш, ҳамда туман Молия бўлимининг 2021-йил 12-июлдаги 203-02-38/888-сонли хатини инобатга олиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 30-декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг «2021-йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4938-сон қароридида белгиланган кўрсаткичлар доирасида таъминланди.

Жумаладан, 2021-йил II чо-

рак бўйича туманда:

- Бандихон тумани маҳаллий бюджетининг 2021-йил II чорак ижроси тўғрисидаги ҳисоботи маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.
- Бандихон туман ҳокимининг биринчи ўринбосари К.Салимов, туман Давлат Солиқ инспекцияси (Т.Сарманов), туман Молия бўлими (И.Жонқобилов)ларга:
 - иқтисодиётнинг янада либераллаштирилиши юзасидан иқтисодий ва молиявий барқарорликни таъминлашни, аҳолининг даромадлар даражасини ва турмуш фаровонлигини оширишга, ижтимоий Дастурлар устувор тарзда молиялаштирилишини ва бюджет маблағлари иқтисод қилинишини таъминлаш;
 - иқтисодиёт ва аҳоли зиммасидаги маҳаллий солиқ юкни изчиллик билан камайтириш борасидаги ишларни давом эттирсин, ҳўжалик юритувчи субъектларини ишчанлик фаолиятини оширишга, корхоналарнинг иқтисодий мустақиллигини, энг аввало, олинган даромадларни тасарруф Давлат бюджети тўғрисидаги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4938-сон қароридида белгиланган кўрсаткичлар доирасида таъминланди.

Жумаладан, 2021-йил II чо-

раивожлантириш, тиббий хизматлар сифатини яхшилаш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш харажатларини янада қулайтириш йўли билан аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш бўйича чораларини рўёбга чиқаришни давом эттириш.

-мамлакатда ишлаб чиқарилаётган товарлар ва кўрсатилаётган хизматларнинг ички ҳамда ташқи бозорларда рақобатдошлигини таъминлаш мақсадида иқтисодиётга янги юқори технологик корхоналар ва ишлаб чиқаришлар илдам ривожланиши таъминлашга, ишлаб турган қувватлар модернизациялаш ва техник янгилаш жараёнини тезлаштиришга қаратилган таркибий ўзгаришларни дастурларини амалга ошириш, ишбилармонлик муҳитини ҳамда ҳўжалик юритувчи субъектларини молиявий барқарорлигини тубдан яхшилашни давом эттириш;

-бюджет маблағларидан ва бюджетдан ташқари маблағларнинг мақсадли, манзилли ва самарали фойдаланиши устидан қатъий назоратни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг газна ижросини таъминини такомиллаштириш бўйича Давлат харидлари жараёнини тартибга соладиган,

давлат харидларини жойлаштиришда ошкоралиқни, очиқликни таъминлашга ҳамда рақобат муҳитни қўллаб-қувватлашга қаратилган норматив ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланган вазифаларнинг ижросини сўзсиз таъминлаш;

-солиқ бюджет қонунчилигининг моҳиятини, аҳамиятини ҳамда механизмларини барча солиқ тўловчилар ва бюджетдан маблағ олувчилар эътиборига етказиш юзасидан семинарлар ҳамда бошқа турдаги тушунириш ишларини мунтазам равишда олиб боришни ташкил қилиш вазифалари юклатилсин.

- Туман маҳаллий бюджети даромадлари ва харажатларининг 2021-йил II чорак ижроси тўғрисидаги ҳисоботлари 1-илова, 2-илова ва туман маҳаллий бюджет параметрлари қиритилган ўзгаришлар 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
- Туман Давлат Солиқ инспекцияси (Т.Сарманов) маҳаллий бюджетга тўловларнинг тўлиқ ундирилишини, туман Молия бўлими (И.Жонқобилов) харажатларнинг маҳаллий бюджетдан ўз вақтида молиялаштирилишини таъминласинлар ва бюджет маблағларини амалга ошириш, ишбилармонлик муҳитини ҳамда ҳўжалик юритувчи субъектларини молиявий барқарорлигини тубдан яхшилашни давом эттириш;
- Мазкур қарорнинг тасдиғи Халқ депутатлари Бандихон туман кенгашидан сўралсин.
- Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари К.Салимов зиммасига юклатилсин.

Ўткир ЧОРИЕВ,
туман ҳокими

Бандихон тумани маҳаллий бюджетининг 2021-йил II чорак ҳисоботини тасдиқлаш ҳамда чорак якунига кўра даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан маблағлар ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “2020-йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида” 2019-йил 9-декабрдаги УРҚ-589-сон қонунининг 20-моддасига мувофиқ туман маҳаллий бюджетининг жорий йил II чорак якунига кўра даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми ҳисобига шаклланган маблағларидан фойдаланиш бўйича халқ депутатлари Бандихон туман Кенгаши қарор қилади:

